Адл ила олам юзин обод қил!

# Куч – адолатда

2023 йил
26 май,
жума
№ 25 (955)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси ● http://www.kuch-adolatda.sud.uz ● 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Олий даражадаги Евроосиё иқтисодий кенгашининг йиғилиши иштирокчиларини қутлашдан мамнунман.

Ҳамкасбларимнинг сўзларига қўшилган ҳолда, Россия Федерацияси Президенти ҳурматли Владимир Владимирович Путинга ушбу учрашувимизни ташкил этгани учун миннатдорлик билдираман.

Ҳеч шубҳасиз, Россиянинг Евроосиё иқтисодий иттифоқига самарали раислиги мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали шерикликнинг янги йўналишларини илгари суришга хизмат қилади.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Ўзбекистон ЕОИИ ҳузуридаги кузатувчи давлат сифатида Бирлашма доирасида ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган кўп томонлама тадбир ва лойиҳаларда фаол иштирокини давом эттирмоқда.

Биринчидан, савдо муносабатларини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш, янги ўсиш нуқталари ва имкониятларни излаш бўйича биргаликда самарали ишлар олиб борилди. Ўтган йил якунларига кўра, Ўзбекистоннинг ЕОИИ мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми 23 фоизга кўпайди. Барқарор ўсиш суръатлари жорий йилда ҳам кузатилмоқда.

Иккинчидан, биз саноат кооперацияси соҳасида жиддий ютуқларга эришдик. Фақатгина кейинги йилларда юртимизда Бирлашма таркибидаги мамлакатларнинг компаниялари иштирокида устувор тармоқларда юзлаб лойиҳа ва корхоналар ишга туширилди.

Учинчидан, ишбилармонлар ўртасидаги мулоқотни рағбатлантириш учун, жумладан, мамлакатларимиз ҳудудларининг мавжуд салоҳиятидан фойдаланган ҳолда, самарали платформалар яратилди.

Анъанавий тус олган "ИННОПРОМ. Марказий Осиё" халқаро саноат кўргазмасини бунга мисол сифатида келтирмоқчиман. Апрель ойида ушбу кўргазма учинчи бор Тошкентда муваффақиятли ўтказилди, унда мамлакатларимизнинг икки мингдан зиёд компаниялари иштирок этди. Кўргазма якунлари бўйича умумий қиймати 10 миллиард доллардан ортиқ бўлган инвестиция битимлари ва савдо шартномалари имзоланди.

Тўртинчидан, биз институционал механизмларни мустаҳкамлаяпмиз – Евроосиё иқтисодий комиссияси билан яқин ва конструктив ҳамкорликни ривожлантиряпмиз, ЕОИИ органларининг тадбирларида фаол иштирок этмоқдамиз.

Уч йилга мўлжалланган Биргаликдаги ишлар режаси доирасида қонунчиликни халқаро нормаларга уйғунлаштириш, иқтисодиётни тартибга солиш борасида тажриба алмашиш, савдо-иқтисодий ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича 200 дан зиёд тадбирлар ўтказилди.

Ўзбекистон савдо тартиботларини соддалаштириш бўйича ҳамда транспорт, қишлоқ хўжалиги, экология ва туризм соҳаларидаги алоҳида дастурлар ва тармоқ лойиҳаларида иштирок этишни бошлади.

Яқин истиқболдаги режаларимиздан қўшма Ишчи гуруҳнинг навбатдаги йиғилишини шу йилнинг август ойида ўтказиш ўрин олган.

Шу билан бирга, жорий вазият таҳлили йўлимизда тўсиқ бўлаётган бир қатор омиллар ва ҳал қилинмаган масалалар ҳам борлигини кўрсатмоқда. Бу ўринда кузатувчи давлатларнинг Бирлашма доирасидаги амалий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ташаббусларини рўёбга чиқариш механизмлари йўқлиги ҳақида сўз бормоқда.

Бундан ташқари, ЕОИИ мамлакатларидаги савдога, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, энергия ресурслари ва бошқа хомашё товарларини етказиб беришга нисбатан чекловларни қўллаш билан боғлиқ масалалар тартибга солинмаган.

Транспорт ва логистика соҳасида амалга ошириш ташаббуси илгари сурилган, хусусан, сифатли ва ҳамёнбоп озиқ-овқат маҳсулотларини жадаллаштирилган тартибда ўзаро етказиб бериш лойиҳалари кутилган натижасини ҳали бераётгани йўқ.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Глобал хавф-хатарлар, транспорт-логистика занжирларида жиддий узилишлар, озиқ-овқат тақчиллиги ва энергетик хавфсизлик таҳдидлари ва бошқа муаммолар кучайиб бораётгани мамлакатларимиз барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг биринчи галдаги вазифаларини ҳал этиш учун яқин ҳамкорликни янада мувофиқлаштиришни тақозо қилмоқда.

Мазкур саммит амалий ҳамкорлигимизнинг устувор йўналишларини белгилаб олиш ва биргаликдаги ҳаракатларимизни мунтазам келишиб бориш учун имкон яратади, деб умид қиламан.

Биринчидан. Ўзбекистон мамлакатларимиз ўртасида савдо айланмаси ҳажмини тубдан ошириш учун савдо тартиб-тамойилларини соддалаштириш ва зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича биргаликдаги ишларни давом эттиришга тайёр.

Техник тўсиқларни бартараф этиш ва мувофиқлик сертификатларини ўзаро эътироф этиш тўғрисида битимнинг қабул қилиниши бунга имкон беради, деб ҳисоблаймиз.

Шу мақсадда Ўзбекистонда ЕОИИ нормаларини миллий техник регламентлар билан уйғунлаштириш бўйича тайёргарлик ишлари тўлиқ якунига етказилди.

Шунингдек, миллий валюталарда ўзаро ҳисоб-китобларни ривожлантириш бўйича ишларни давом эттираяпмиз.

Иккинчидан. Божхона маъмурчилиги, санитария, фитосанитария ва ветеринария назорати, шунингдек, товарлар келиб чиқишини сертификатлаш бўйича электрон платформалар ва онлайн-тизимларнинг интеграцияси, фикримизча, иқтисодий ҳамкорликни ва ишбилармонлар мулоқотларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Бу ташаббусни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш учун экспертлар даражасида батафсил маслаҳатлашувларни ўтказишга тайёрмиз.

Учинчидан. Саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш бўйича қўшма чора-тадбирларни қабул қилиш Евроосиё маконида янги иш ўринларини яратиш ва саноат хабларини шакллантиришнинг муҳим омили, деб ҳисоблаймиз.

Кооперация лойиҳаларини амалга оширишни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган кўп томонлама дастурларда иштирок этишдан манфаатдормиз. Бу ўринда сўз қайта суғурталаш фаолияти соҳасида бизнес-ҳамжамият ташаббуслари ва миллий тараққиёт институтларининг амалий ҳамкорлиги ҳақида бормоқда.

Бизнес даражасида узоқ муддатли шериклик алоқаларини йўлга қўйиш учун ЕОИИ Ишбилармонлар кенгаши фаолиятига қўшилиш режалаштирилган.

Тўртинчидан. Транспорт ва транзит соҳасида ўзаро ҳамкорлик бизнинг шериклигимизда стратегик йўналиш ҳисобланади. Ҳозирги шароитда муқобил транспорт йўлакларини шакллантириш бўйича биргаликдаги ишларимизни кучайтириш ва барқарор логистика занжирларини яратиш муҳимдир.

Шимол – Жануб халқаро йўлаклари ва Хитойни минтақамиз, Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё мамлакатлари билан боғловчи бошқа магистралларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаймиз.

Тариф сиёсати масалаларида яқин мувофиқлаштириш тарафдоримиз.

Шунингдек, "Ўзбекистон – Афғонистон – Покистон" темир йўли қурилишини амалга ошириш бўйича лойиҳа офиси ишига қўшилишга таклиф этамиз.

Бешинчидан. Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Шу нуқтаи назардан, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари импорти ўрнини давлатларимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан фаол эгаллашни рағбатлантириш, "яшил" йўлаклар, шу жумладан, "Евроосиё агроэкспресси"нинг тўлақонли фаолиятини таъминлаш, илмий-амалий тадқиқотларни биргаликда олиб бориш ва инновацияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш, мамлакатларимиз агробизнес вакиллари кооперация алоқаларини ривожлантиришни рағбатлантириш ва фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш муҳимдир.

Ушбу мақсадларда шу йилнинг октябрь ойида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги вазирлари, етакчи ишлаб чиқарувчилар ва озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилувчилар иштирокида "ЕОИИ плюс" форматида Аграр форум ўтказишни таклиф этамиз.

Олтинчидан. Ўзбекистон юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда янада кенг ҳамкорлик қилиш, олий ўқув юртлари ва профессионал таълим марказлари ўртасида шериклик муносабатларини йўлга қўйиш, илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшма лойиҳаларда иштирок этишдан ҳам манфаатдордир.

Муҳандислик-техник ихтисосликлар бўйича талаб юқори бўлган кадрларни биргаликда тайёрлаш юзасидан "йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

ЕОИИ доирасидаги кўп томонлама шериклик бўйича дастур ва лойиҳаларда Ўзбекистоннинг иштирокини қўллаб-қувватлагани учун ҳамкасбларимга яна бир бор миннатдорлик билдираман.

Бугунги йиғилиш натижалари мамлакатларимизнинг барқарор тараққиёти ва фаровонлиги йўлида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги йўналишлари, шакл ва механизмларини ривожлантиришга хизмат қилишига ишонаман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕОИИНИНГ ЮБИЛЕЙ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 май куни Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг ўттизинчи йиғилишида видеоалоқа орқали иштирок этди.*

Давлатимиз раҳбари ушбу интеграциявий бирлашма саммитларида Ўзбекистон 2020 йилда кузатувчи мақомини олганидан буён анъанавий равишда иштирок этиб келмоқда.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин раислигида ўтган бу галги учрашувда Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян, кузатувчи давлат раҳбари сифатида Куба Республикаси Президенти Мигель Диас-Канель ҳамда Евроосиё иқтисодий комиссияси Ҳайъати раиси Михаил Мясникович қатнашди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Моҳият

# Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартиришлар

## миллий гвардия ходимларига қўшимча ваколатлар беришга қаратилган

*Мамлакатимизда қонунийлик, тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида тизимли ҳамда самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.*



Хусусан, кейинги йилларда жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг янги механизмларини жорий этиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ҳарбий тузилмалар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Қонун кўмаги

# Шартномадан ташқари келишув низога сабаб бўлди



*Бу ҳаётда инсон ростгўй, ҳалол ва оқибатли каби фазилатлари билан обрў-эътибор қозонади. Ана шу инсоний фазилатлар ортидан кишининг умри файзли, баракали кечади. Бунга ҳаётдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо тўғриликдан чекиниш, ростгўйлик ва ҳалолликдан тойиш оқибати ҳеч қачон яхшиликка олиб бормайди.*

(Давоми 3-бетда) ▶



*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида бир қатор муҳим қонун лойиҳалари муҳокама этилиб, депутатлар томонидан қабул қилинди.*

Парламент фаолияти

# Қонунчиликдаги янгиликлар

**ЭНДИ СУД ҚАРОРЛАРИ БЕКОР ҚИЛИНИБ, ҚАЙТАРИЛМАЙДИ**

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва жамиятда адолатни қарор топтириш мақсадида кейинги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан ислоҳ этишга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, суд ишларини юритиш жараёнида ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш натижаларига асосан янги институтлар жорий этилди, фуқаролар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида ярашув, дастлабки эшитув, медиация, суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш каби институтлар такомиллаштирилди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Таҳлил

# Ҳар бир мурожаат – эътиборда

*Мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига эътибор кундан-кун ортиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, барча давлат бошқаруви органлари, жумладан, судларга ҳам улкан масъулият юклайди.*



Бу ўринда Президентимиз раҳбарлигида 2021 йил 23 июлда кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини мутлоқо янгича ташкил қилиш чора-тадбирларни кўриб чиқилганини қайд этиш лозим. Мазкур йиғилиш баёни ижросини таъминлаш мақсадида Олий судда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ягона ҳуқуқий тизим яратилиб, соҳага тааллуқли ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда.

Жумладан, Олий суд Раёсатининг 2021 йил 9 ноябрдаги қарори билан "Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома янги таҳрирда тасдиқланди. Йўриқномада суд тизимида фуқаролардан умумий мазмунда келиб тушган мурожаатлар билан ишлаш тартиби белгиланди.

(Давоми 3-бетда) ▶

Тарих тилсимлари

# АБУСАИД МИРЗОНИНГ СЎНГГИ МАНЗИЛИ

## ёхуд кибр-ҳаво балоси



*Темурийлар тарихидаги зиддиятли тақдир ва талқинга эга шахслардан бири Соҳибқироннинг чевараси, Заҳриддин Бобур Мирзонинг бобоси Абусаид Мирзодир. Унинг Мирзо Улуғбек фожиасидан икки йил ўтиб, Самарқанд тахтини эгаллагани, кейин Ҳиротни қўлга киритгани, Улуғбекнинг онаси Гавҳаршодбегимни қиличдан ўтказгани, Алишер Навоийнинг икки тоғасини қатл эттириб, ўзини Ҳиротдан бадарға қилгани тарихий манбаларда қайд этилган.*

(Давоми 4-бетда) ▶

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕОИИНИНГ ЮБИЛЕЙ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Таклиф этилган давлат раҳбарлари сифатида Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ҳам иштирок этди.

Кун тартибига мувофиқ, кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, саноат кооперацияси лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, ҳамкорликнинг устувор йўналишларида қўшма дастурларни амалга оширишнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистон ЕОИИ ҳузуридаги кузатувчи давлат сифатида Бирлашма доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган тадбирларда фаол иштирок этаётганини қайд этди.

Савдо муносабатларини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш, янги ўсиш нуқталари ва имкониятларни излаш бўйича биргаликда иш олиб борилмоқда. 2022 йилда Ўзбекистоннинг ЕОИИ мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми 23 фоизга кўпайди. Барқарор ўсиш суръати жорий йилда ҳам кузатилмоқда.

Саноат кооперацияси соҳасида кейинги йилларда мамлакатимизнинг устувор тармоқларида юзлаб қўшма лойиҳа ва корхоналар ишга туширилди.

Ишбилармонлар мулоқотини рағбатлантириш учун самарали платформалар яратилди. Жорий йилнинг апрель ойида учинчи бор Тошкентда муваффақиятли ўтказилган ва анъанавий тус олган “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” халқаро саноат кўргазмаси шулар жумласидан.

Евроосиё иқтисодий комиссияси билан конструктив ҳамкорлик йўлга қўйилди. Уч йилга мўлжалланган Биргаликдаги ишлар режаси доирасида қонунчиликни халқаро нормаларга уйғунлаштириш, иқтисодиётни тартибга солиш тажрибаси билан алмашиш, савдо-иқтисодий ва транспорт-коммуникация соҳаларида тўсиқларни бартараф этиш бўйича 200 дан зиёд тадбир ўтказилди.

Ўзбекистон савдо тартиботларини соддалаштириш бўйича ҳамда транспорт, қишлоқ хўжалиги, экология ва туризм соҳаларидаги алоҳида дастурлар ва тармоқ лойиҳаларида иштирок этмоқда.

– Глобал хавф-хатарлар, транспорт-логистика занжирларида жиддий узилишлар, озиқ-овқат тақчиллиги ва энергетик хавфсизлик таҳдидлари ва бошқа муаммолар кучайиб бораётгани мамлакатларимиз барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг биринчи галдаги вазифаларини ҳал этиш учун яқин ҳамкорликни янада мувофиқлаштиришни тақозо қилмоқда, – деди Ўзбекистон етакчиси.

Давлатимиз раҳбари мамлакатларимиз ўртасида савдо айланмаси ҳажмини тубдан ошириш учун савдо тартиб-тамойилларини соддалаштириш ва зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича биргаликдаги ишларни давом эттириш муҳимлигини қайд этди. Техник тўсиқларни бартараф этиш ва мувофиқлик сертификатларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги битимнинг қабул қилиниши бунга хизмат қилади.

Ўзбекистон Президенти божхона маъмурчилиги, санитария, фитосанитария ва ветеринария назорати ҳамда товарлар келиб чиқишини сертификатлашнинг электрон платформалари ва онлайн тизимларини интеграция қилиш муҳимлигини кўрсатиб ўтди. Ушбу ташаббусни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш учун экспертлар даражасида батафсил маслаҳатлашувлар ўтказиш таклиф қилинди.

– Евроосиё маконида янги иш ўринларини яратиш ва индустриал хабларни шакллантиришнинг муҳим омили сифатида саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштиришни кенгайтириш бўйича қўшма чора-тадбирлар кўрилиши лозим, деб ҳисоблаймиз, – деди Президент.

Мамлакатимиз кооперация лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича кўп томонлама дастурларда ва ЕОИИ Ишбилармонлар кенгаши фаолиятида иштирок этишдан манфаатдор экани билдирилди.

Муқобил транспорт йўлакларини шакллантириш ва барқарор логистика занжирларини яратиш борасида биргаликдаги ишларни кучайтириш аҳамиятига эътибор қаратиб, Ўзбекистон етакчиси Шимол – Жануб халқаро йўлакларини ва минтақамизни Хитой, Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё мамлакатлари билан боғловчи бошқа магистралларни ривожлантириш муҳимлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари тариф сиёсати масалаларида яқиндан мувофиқлашув зарурлигини қайд этиб, “Ўзбекистон – Афғонистон – Покистон” темир йўли қурилишини амалга ошириш бўйича Лойиҳа офиси ишига қўшилишни таклиф этди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида Ўзбекистон раҳбари қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари импорти ўрнини фаол босишни рағбатлантириш, “яшил” йўлакларнинг тўлақонли ишлашини таъминлаш, қўшма тадқиқотлар ўтказиш ва инновацияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатларимиз агробизнеси вакиллари ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантиришни рағбатлантириш таклифларини илгари сурди.

Шу мақсадда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги вазирлари, озиқ-овқат маҳсулотларининг етакчи ишлаб чиқарувчилари ва импортчилари иштирокида “ЕОИИ плюс” форматида Аграр форумни ўтказиш ташаббусини билдирди.

Юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, олий таълим муассасалари ва профессионал таълим марказлари ўртасида шериклик муносабатларини йўлга қўйиш, илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшма лойиҳаларда иштирок этиш имкониятлари қайд этилди. Муҳандислик-техник ихтисосликлар бўйича талаб юқори бўлган кадрларни биргаликда тайёрлаш юзасидан “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сўзининг якунида Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилиши якунлари ЕОИИ мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги йўналишлари, шакл ва механизмларини ривожлантиришга хизмат қилишига ишонч билдирди.

**ЎзА**

*Моҳият*




# Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартиришлар

## *миллий гвардия ходимларига қўшимча ваколатлар беришга қаратилган*

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Олий Мажлис Сенатининг қирқинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланган **“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида”**ги қонун ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг узвий давомидир.

Қуролли Кучларнинг таркибий тузилмаларидаги ўзгаришлар ҳақида сўз борганда, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бугунги кунда Миллий гвардия органларига ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, давлат объектлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини қўриқлаш, жамоат тартибини сақлаш, жамоат жойларида патруллик қилиш каби вазифалар юклатилган.

Шу билан бирга, амалиётда ушбу вазифаларни тўлиқ амалга ошириш ҳамда хизматни ўташ давомида аниқланган ҳуқуқбузарликларга нисбатан ўз вақтида чоралар кўриш учун Миллий гвардияга маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга доир айрим ваколатларни бериш зарурияти юзага келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Миллий гвардия органлари томонидан жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича 2022 йилда амалга оширилган ишлар натижасида қидирувда юрган 74 нафар жиноятчи ушланган.

Бундан ташқари ноқонуний сақлаган 44 та пневматик ва ов қуроли, 3 минг 202 дона ўқ-дори олиб қўйилган. Фуқаровий ва хизмат қуроли сифатида муомалада бўлиши тақиқланган 1 мингдан ортиқ кастет, тўқмоқ (бита), пичоқ ва бошқа ўткир тиғли буюмларни олиб юрган 960 нафар фуқаро аниқланиб, тегишли чора кўриш учун ички ишлар органларига топширилган.

Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ва ходимларига маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритиш, яъни баённома тузиш ваколати берилмагани сабабли юқорида қайд этилган ҳолатлар бўйича тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органларга ҳал этиш учун юборилган. Бу, ўз навбатида, ортиқча ҳужжат айланишига, энг асосийси, фуқароларнинг овора бўлишига олиб келган.

Шу муносабат билан Миллий гвардия томонидан **“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида”**ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 9 августда қабул қилинди. Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги **“Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони ижроси доирасида тайёрланганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Янги қонун 4 та моддадан иборат бўлиб, унда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 2 та моддасига ўзгартиришлар киритиш назарда тутилган.

Янги қонун билан Миллий гвардия органларининг ходимларига майда безорилик, қуролдан белгиланган тартибни бузган ҳолда фойдаланиш, совуқ қурол ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни олиб юриш, вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш, миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш, тиланчилик қилиш ҳамда қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар каби маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни кўриб чиқиш, баённомалар тузиш ва уларни кўриб чиқиш учун судга юбориш юзасидан қўшимча ваколатлар берилмоқда.

Бунда мазкур тоифадаги ишларни кўриб чиқиш ваколати ички ишлар органларида ҳам сақланиб қолади. Тегишли ҳуқуқбузарлик Миллий гвардия ходимлари томонидан аниқланган тақдирда уларга жарима жазосини қўллаш ҳуқуқи берилмоқда.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда қонунийликни таъминлаш ва асоссиз жавобгарликка тортиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида Миллий гвардия органлари номидан қонунда кўрсатилган бошқарма ёки бўлим бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима жазосини қўллашга ҳақли экани белгиланмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ушбу ўзгартишлар киритилиши муносабати билан жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар бўйича Миллий гвардия органларига ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни маъмурий йўл билан ушлаб туриш ҳуқуқи ҳам берилмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, ушбу ўзгартиришлар Миллий гвардияга бириктирилган ҳудудларда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат юкламаларини камайтириб, уларнинг аҳоли билан кўпроқ “фуқаробай” ишлашига имконият яратади. Шунингдек, фуқароларнинг давлат идораларида ортиқча сарсон бўлишининг олди олинади.

**Қутбиддин БУРҲОНОВ,**
*Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси*

*Парламент фаолияти*

# Қонунчиликдаги янгиликлар



◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

**“Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги қонун лойиҳасида Жиноят-процессуал кодексга қонуний кучга кирган суд қарорларини кассация тартибида кўриб чиқиш ваколатини вилоят ва унга тенглаштирилган судлар ваколатига ўтказиш ҳамда юқори инстанция судлари томонидан суд қарорларини бекор қилиш ва ишни янгидан кўриш учун қуйи судга юбориш амалиётини тугатишга доир процессуал қоидаларни назарда тутувчи ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш белгиланган.

Ушбу қонун лойиҳаси судьяларнинг масъулиятини янада ошириш, ишларнинг сифатли ва ўз вақтида кўрилиши, суд қарорларини қайта кўришда вилоят судлари ҳамда уларга тенглаштирилган судларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш, фуқароларнинг шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш ҳамда ортиқча оворагарчиликка йўл қўймасликка хизмат қилади.

### НОАНИҚЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни тубдан яхшилаш, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар сифатини ошириш, ичимлик суви ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ичимлик сувидан фойдаланишни давлат томонидан назорат қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида **“Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида”**ги қонун, шунингдек, Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорлари қабул қилиниб, соҳада туб ислоҳотларни амалга оширишда кенг имконият яратилди. Бироқ ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда асосий тушунча ва атамаларнинг турлича қўлланилиши амалиётда айрим ноаниқликларни келтириб чиқармоқда.

Шундан келиб чиқиб, **“Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”**ги қонун лойиҳасида 7 та кодекс, 8 та қонунда фойдаланилган турли тушунча ва атамаларни **“Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида”**ги қонунда қўлланилган ягона шаклга мослаштириш таклиф этилмоқда.

**ПАРЛАМЕНТ АХБОРОТ МАРКАЗИ**

*Жиноят ва жазо*

# Жигарбандини

***Бу ҳаётда фарзанд инсонга берилган энг буюк неъмат саналади. Шу боис ҳар бир болани ота-она умрининг мазмуни дея бежизга айтишмайди. Айниқса, ҳаётда турли сабабларга кўра, узоқ йиллар сабр-тоқат қилиб, сўнг ота-оналик бахтига муяссар бўлган кишилар буни янада теранроқ ҳис қилишади.***

Буларни қайд этишдан мақсад шуки, ҳаётда ана шундай бебаҳо инъомнинг қадрига етмайдиган, ношукрлик қиладиган кимсалар ҳам учраб туради.

Масалан, Данғара туманида яшаган Соҳибахон Мелибоева (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам шундай кимсалар тоифасига киради.

Гап шундаки, фарзанд кўрмагани сабабли биринчи турмушидан ажрашган С.Мелибоева бундан тўрт-беш йил олдин Абдулазиз исмли йигит билан танишади-ю, унга боғланиб қолади. Ўз навбатида, йигит ҳам унга эътиборсиз эмасди. Шу боис улар шаръий никоҳ асосида турмуш қуришади. 2020 йил 24 июнь куни С.Мелибоева фарзандли бўлади. Қизига “Мелибоева Мўминахон Абдулазиз қизи” дея исм-шариф берилади.

Аммо тақдир экан, орадан кўп ўтмай Абдулазиз вафот этади. Шундан сўнг С.Мелибоева қизи икки ёшга тўлай деб қолганда, негадир уни сотиш ҳаракатига тушади. Ҳеч кимга сир эмас, бундай совуқ хабар тез тарқалади. А.Тошпўлатов ҳам танишлари орқали С.Мелибоеванинг жиноий режасидан хабар топади. Шу боис у гўёки харидор сифатида аёл билан учрашиб, атайин кўнглига қўл солиб кўради. Сўнг ёлғондан баҳолашиб, қизалоқни 14.000 АҚШ долларига сотиб олишга келишади. Ўз навбатида, ўша куниёқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга хабар беради. Бинобарин, мазкур ҳолат юзасидан тезкор тадбир ўтказилади. Оқибатда Соҳиба Мелибоева 2022 йил 28 март куни қизини махсус харидор А.Тошпўлатовга 14.000 АҚШ долларига сотаётган вақтида ушланади. Шундан сўнг ҳали вояга етмаган М.Мелибоева Фарғона вилояти 2-сонли болалар уйига жойлаштирилди.

Албатта, бундай тубан қилмишга қўл урган С.Мелибоевага нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Мазкур ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Данғара туман суди 2022 йил 24 августдаги ҳукми билан судланувчини Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбдор деб топиб, муайян муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

Шунингдек, Қўқон шаҳар прокурори фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро судига даъво ариза билан мурожаат қилди ва С.Мелибоевани қизи Мўминахон Мелибоевага нисбатан оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишни сўради.



Ўрни келганда шуни айтиш керакки, Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги **“Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”**ги қарори 15-бандида ота-она (улардан бири) Оила кодексининг 79-моддасига биноан ота-оналик ҳуқуқидан ўзларининг айбли хулқ-атворига кўра, агар улар ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан, алимент тўлашдан бўйин товласа, узрсиз сабабларга кўра, ўз боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, ўқув-тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш муассасалардан олишдан бош тортса, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан, жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса, муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса, ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши белгиланган.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Маълумки, судларга икки хил тоифада, яъни процессуал ва умумий мазмундаги шикоят аризалари билан мурожаат қилинади. Умумий мазмундаги мурожаатлар – хат, ариза, таклиф ва шикоят бўлса; процессуал мазмундаги мурожаатларга муайян низо ёки суд қарори билан боғлиқ бўлган ариза, даъво аризаси, илтимоснома, апелляция ва кассация тартибидаги шикоятлар киради.

Барча фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл фуқаролари бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш юзасидан судга оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Умумий мазмундаги мурожаатлар **“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”**ги қонунда белгиланган тартибда, яъни судга келиб тушган кундан бошлаб 15 кун ичида, қўшимча ўрганиш ва текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, 1 ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади. Агар ариза ва шикоят муддати узайтирилса, бу ҳақда мурожаат қилувчига хабар берилади.

Фуқаролик, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича процессуал мазмунда берилган шикоятлар процессуал қонунчиликда белгиланган муддатларда кўриб чиқилади.

Кейинги йилларда суд органларига жисмоний ва юридик шахслардан мурожаат қилувчилар сони сезиларли даражада ортиб бормоқда. Жумладан, 2022 йилда судларга жами 151 минг 37 та мурожаат келиб тушган.

Шундан Олий судга 55 минг 76 та, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали – 72 минг 829 та, вилоят ва унга тенглаштирилган судларга 20 минг 240 та, маъмурий судларга 2 минг 572 та, республика ҳарбий судларига 320 та мурожаат келган. Олий судга келиб тушган мурожаатларнинг 24 минг 480 таси ёки 44,4 фоизи умумий мазмундаги, 30 минг 596 таси ёки 55,6 фоизи кассация ҳамда такрорий кассация тартибидаги шикоятларни ташкил қилган.

2022 йил давомида умумий мазмунда келиб тушган мурожаатлар олдинги йилдаги 26 минг 671 та мурожаатга нисбатан 8,2 фоизга камайган. Аммо кассация тартибидаги мурожаатлар 2 минг 870 тага ёки 10,3 фоизга кўпайган.

Албатта, мурожаатлар сони кўпайишини аҳолининг суд тизимига нисбатан ишонч ортиб бораётгани билан изоҳлаш жоиз.

Айтиш керакки, Жиноят-процессуал кодексининг 499-моддасида биринчи ва апелляция инстанцияси судининг ҳукми, ажрими устидан кассация тартибида шикоят қилишга бўлган ҳуқуқ маҳкумга, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакилига, жабрланувчига ва унинг вакилига, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари биринчи ва апелляция инстанцияси суди ҳукмининг, ажримининг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан шикоят беришга ҳақли, деб кўрсатилган.

Лекин иш бўйича шикоят беришга ваколати бўлмаган фуқаролар, яъни судланувчи ё маҳкум, даъвогар ёки жавобгарнинг қариндошлари судга таъсир ўтказиш мақсадида юқори идораларга мурожаат қилиш ҳолатлари кўплаб учрайди.

Олий судга 2022 йил мобайнида айни шундай юқори идоралардан 7 минг 169 та мурожаат келиб тушган. Ушбу мурожаатларнинг 781 таси бошқа идораларга, 1 минг 593 таси қуйи судларга юборилган ва 3 минг 516 таси бўйича судга мурожаат қилиш талаби тушунтирилган.



*Таҳлил*

# Ҳар бир мурожаат – эътиборда

Мурожаат қилиш бўйича қонун талабига риоя этмаслик ёки тартибни билмаслик:

***биринчидан,*** суд тизимига алоқаси бўлмаган идораларга қўшимча иш;

***иккинчидан,*** суд қарорлари устидан шикоят бериш муддатининг ўтиб кетишига, натижада муддатни тиклаш ҳақида ариза бериш талаб этилиб, фуқароларнинг яна ортиқча овора бўлишига олиб келмоқда.

Фуқароларнинг шикоят беришида енгиллик ва қулайлик яратиш мақсадида, Олий суднинг қонунчилик ташаббусига кўра, 2021 йил 16 сентябрда қабул қилинган **“Судга мурожаат қилиш учун янада қулай шароитлар яратилиши ва фуқаролик процессига соддалаштирилган иш юритиш тартиби жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги қонун билан Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларга ўзгартиришлар киритилди. Шу асосда иш бўйича ваколатли шахслар ва тарафларнинг шикоятга суд қарорларини илова қилиш талаби бекор қилинган.

Бундан ташқари Олий суд раҳбарияти томонидан жисмоний ва юридик шахслар вакилларини қабул қилиш жараёни кенг йўлга қўйилмоқда. Жумладан, 2022 йилда 8 минг 267 нафар жисмоний ва юридик шахслар вакиллари қабул қилинган.

Шундан 4 минг 887 нафари сайёр қабул жараёни, 2 минг 834 нафари бевосита идора, 546 нафари видеоконференцалоқа воситаси орқали қабулда бўлган. Олий суд раиси қабулида 721 нафар жисмоний ва юридик шахслар вакилининг шикоят ва важлари эшитилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналаридан Олий судга 2022 йилда 72 минг 829 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 71 минг 652 таси бўйича мурожаат муаллифларига тегишли ҳуқуқий тушунтиришлар берилган ҳамда 5 минг 329 та мурожаат ижобий ҳал этилган.

Кейинги йилларда аҳолининг одил судловдан хабардорлик даражасини оширишга йўналтирилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини судлар фаолиятида кенг қўллаш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Шу негизда фуқароларнинг Олий судга мурожаат қилиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Олий суднинг электрон почтаси info@supcourt.uz, электрон сайт www.sud/my.sud.uz, интерактив хизматлар орқали Олий суд раиси қабулига рўйхатдан ўтиш qabul.sud.uz ва “@SUDUZBOT” телеграмм бот ишга туширилган. Фуқаролар телеграмм бот орқали фуқаролик, иқтисодий, жиноий ва маъмурий ишлар бўйича мурожаат қилиш ва қисқа вақт ичида жавоб олиш имкониятига эга.

Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари тизимини жорий этиш орқали жисмоний ва юридик шахсларни судларга мурожаат қилишида қулайлик яратиш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида турибди. Бу борада Президентимиз томонидан:

• 2017 йил 30 августда “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”;

• 2020 йил 3 сентябрда “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”;

• 2022 йил 29 январда “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлар қабул қилингани буни яққол тасдиқлайди.

Янада муҳими, Ўзбекистон Президенти томонидан 2023 йил 16 январда “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон имзоланди.

Ушбу ҳужжатда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш, «E-XSUD» ахборот тизимини такомиллаштириш, суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг кейинги босқичида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнини онлайн кузатиб борилишини таъминлаш, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш, давлат органлари қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқишда маъмурий судларнинг ролини кучайтириш каби бир қатор вазифалар белгиланди.

Мухтасар айтганда, Олий суд ва қуйи судларда халқимизни рози қилиш йўлида аҳоли билан мулоқот қилиш, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари ҳар тарафлама тўлиқ, холисона ва қонуний кўриб чиқилиши орқали адолатли қарорлар қабул қилиниши таъминланмоқда.

Жумладан, 2023 йилнинг биринчи чорагида судларга 37 минг 450 та мурожаат келиб тушган. Шундан Олий судга 13 минг 476 та, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали 18 минг 199 та, вилоят ва унга тенглаштирилган судларга 5 минг 61 та, маъмурий судларга 595 та, республика ҳарбий судларига 119 та мурожаат келган.

Бу мурожаатлар ўтган йилнинг шу даврида келиб тушган мурожаатларга нисбатан 38 тага ёки 0,7 фоизга кам. Бироқ кассация тартибидаги мурожаатлар 1 минг 614 тага ёки 24,6 фоизга кўпайган.

2023 йилнинг биринчи чорагида Олий суд 465 та мурожаатни тааллуқлилиги бўйича кўриб чиқиш учун бошқа идораларга юборган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналаридан Олий судга келиб тушган мурожаатларнинг 16 минг 227 таси муаллифларига тегишли ҳуқуқий тушунтиришлар берилган ҳамда 443 та мурожаат ижобий ҳал этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жойларда халқ билан мулоқот ва “маҳаллабай” ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, аҳоли учун долзарб муаммоларни ҳар томонлама ўрганиш ва ҳал этиш юзасидан тезкор чоралар кўриш мақсадида 2023 йил февраль-май ойларида Самарқанд, Навоий, Бухоро, Наманган, Андижон, Фарғона, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида суд-ҳуқуқ масаласида ўтказилган сайёр қабулларда 657 нафар фуқаро қабул қилинган.

Шундай қилиб, мамлакатимизда мурожаатлар билан ишлаш ва аҳоли муаммоларини ҳал этиш соҳасида янги давр бошланди. Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг мақбул йўли сифатида ҳаётимизга жорий этилган мазкур механизм суд тизимида ҳам қисқа фурсатларда ўз амалий натижаларини бера бошлади.

**Султонмурат ХОДЖАМУРАТОВ,**
**Нодирбек КОМИЛОВ,**
*Олий суд масъул ходимлари*

*Қонун кўмаги*



# Шартномадан ташқари келишув
## *низога сабаб бўлди*

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Навоий шаҳрида яшовчи С. Маҳмадуллаева (исм-шарифлар ўзгартирилган) шаҳардаги “Гулистон” деҳқон бозори ҳудудида жойлашган савдо дўконини фуқаро Ғ.Асадовга ижарага беради. 2020 йилнинг 18 ноябрь куни тарафлар ўртасида умумий фойдаланиш майдони 44,74, ижара майдони 21,29 квадрат метрдан иборат савдо дўкони учун ижара шартномаси тузилади. Шартноманинг амал қилиш муддати беш йил қилиб белгиланади.

Шартнома шартларига кўра, ижарачи савдо дўконидан фойдалангани учун мулк эгасига ҳар ойда 320 минг сўм тўлаши ва ўтган ой учун тўлов ҳар ойнинг биринчи кунига қадар бажарилиши белгиланган. Аммо тарафлар шартномадан ташқари ҳар ойда 2 миллион 680 минг сўм қўшимча ижара ҳақини бериш-олиш ҳақида оғзаки келишувга ҳам эришган.

Орадан бироз вақт ўтиб, кутилмаганда, С.Маҳмадуллаева шартномадан ташқари ижара ҳақи миқдорини 5 миллион сўм этиб белгилайди. Бу эса, табиийки, Ғ.Асадовга маъқул келмайди. Шу боис икки ўртада низо келиб чиқиб, уни ўзаро ҳал этишолмагани сабабли Ғ.Асадов ёзма шартномада кўрсатилган ижара ҳақини тўлиқ тўлаб берганини важ қилиб, 2022 йил июль ойидан бошлаб ижара тўловини тўхтатиб қўяди. Шундан сўнг С.Маҳмадуллаева Ғ.Асадовга нисбатан ижара шартномасини бекор қилиш ва уни савдо дўконидан чиқариш ҳақида судга даъво аризаси билан мурожаат қилади.

Иш материаллари ва судда аниқланган ҳолатлардан кўринишича, шартномада ижара ҳақи ҳар ойга 320 минг сўм этиб белгиланган. Шунга кўра, Ғ.Асадов С.Маҳмадуллаевага 2020 йил 18 ноябрдан 2022 йил июль ойига қадар шартнома асосида 6 миллион 720 минг сўм тўлаши лозим бўлган. Оғзаки келишувга асосан Ғ.Асадов даъвогарга 63 миллион сўм тўлаган.

Биринчи босқич суди жавобгарнинг ижара ҳақидан қарзи мавжуд эмаслигига асосланган ҳолда С.Маҳмадуллаеванинг даъвоси аризасини қаноатлантиришни рад этган. Чунки даъвогарнинг даъво талабидаги ижара шартномаси бўйича жавобгар ижара тўловини тўлашдан бош тортаётгани ва тўламаётгани ҳақидаги важлар судда исботланмаган.

Шу ўринда ижара шартномаси билан боғлиқ қонунчилик талабларига эътибор қаратсак, амалдаги Фуқаролик кодексининг 551-моддаси биринчи қисмида агар ижарага олувчи ижарага берувчининг ёзма огоҳлантиришига қарамасдан мол-мулкдан шартнома шартларини ёки мол-мулкнинг вазифаларини жиддий равишда бузган ёхуд бир неча марта бузган ҳолда фойдаланса, шартномада белгиланган тўлов муддатини кетма-кет икки мартадан ортиқ бузиб, мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўламаса, мулк ижара шартномаси ижарага берувчининг талаби билан суд томонидан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Ушбу қонун талаби тарафлар ўртасида тузилган ижара шартномасининг 6-бандида ҳам ўз ифодасини топган. Яъни ижарага олувчи берилган нотурар жойдан фойдаланиш учун ижара ҳақи ва тўлов муддатини кетма-кет икки мартадан ортиқ бузса, ижарага берувчи шартномани бекор қилишга ва ижарага берилган нотурар жойни бўшатишни талаб қилишга ҳақли экани кўрсатилган. Бундан ташқари даъвогар жавобгарга ижара ҳақи тўланмагани ҳақида ёзма огоҳлантириш хати бермаган. Жавобгарга юборилган билдириш хатида савдо дўкони сотилаётгани сабабли уни бўшатиб бериш сўралган, холос. Ҳолбуки, ижара шартномасининг 11-бандида ҳам шартномани бекор қилиш ҳақида тарафлардан бири бошқа тарафни бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши лозимлиги белгилаб қўйилган. Суд ана шу асосларга таянган ҳолда масалага қонуний ечим топган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар қандай шартнома, хусусан, мулк ижара шартномасини расмийлаштиришда ҳалолликни унутмаслик керак. Агар тарафлар шартнома қонунчилиги талабларини яхши билган ва шартномадан ташқари шубҳали оғзаки келишув тузмаганида ўртада низо пайдо бўлиб, иш судгача етиб бормасди. Афсуски, улар бунга риоя этмагани оқибатида ортиқча овора бўлиб, чиқимдор бўлишди. Бу бошқалар учун ҳам сабоқ вазифасини ўтаса, ажаб эмас.

**Нодир РАСУЛОВ,**
*Навоий вилояти суди судьяси*

# сотган аёл
## *оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинди*



Бундан ташқари Данғара тумани ҳокимлиги болаларни ҳимоя қилиш шўъбасининг хулосасида Соҳиба Мелибоеванинг вояга етмаган фарзандига нисбатан оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мақсадга мувофиқ экани қайд этилган. Ана шу асосларга таянган суд С.Мелибоевани оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилди.

Оила кодексининг 81-моддасига мувофиқ, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ота-онани болаларини моддий таъминлаш мажбуриятидан озод қилмайди. Шу сабабли суд жавобгарни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишда Фуқаролик процессуал кодекси қоидаларига асосланиб, ундан алимент ундириш тўғрисидаги масалани, бундай даъво қўзғатилган-қўзғатилмаганлигидан қатъи назар, биргаликда ҳал этиши шарт. Ота ёки онадан бири ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ва болалар улардан иккинчиси, васий ёки ҳомийнинг тарбиясига берилганда, алиментлар шу шахсларнинг фойдасига ундирилади. Бинобарин, суд қарорида Фарғона вилояти 2-сонли болалар уйи фойдасига боланинг моддий таъминоти учун Соҳиба Мелибоеванинг ҳар қандай даромадининг 1/4 қисми, лекин меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 26,5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда алимент ундириш белгиланди.

Айтиш керакки, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 77-моддасида **“Давлат ва жамият етим болаларни ҳамда ота-онасининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқишни, тарбиялашни, уларнинг таълим олишини, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топишини таъминлайди, шу мақсадда хайрия фаолиятини рағбатлантиради”** дея қайд этилган.

Бинобарин, жамиятимизда ҳеч ким эътибор ва ғамхўрликдан четда эмас. М. Мелибоева ҳам қонунчилигимизда белгиланган инсонпарварлик тамойиллари ҳимоясида. Бу унинг униб-ўсиши, таълим-тарбия олиши учун мустаҳкам пойдевор, ёрқин келажак гаровидир.

**Акмал РОЗИҚОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро суди раиси*

*Жиноятга жазо муқаррар*



# Сирли бармоқ излари
## *ёхуд 18 йилдан сўнг фош бўлган қотиллик*

***Бундан 20 йил муқаддам — 2003 йил 10 январь куни Учтепа тумани “Чилонзор” 11-даҳасида яшаган, 56 ёшли Людмила Рибкинанинг (исм-шарифлари ўзгартирилган) хонадонида мудҳиш қотиллик содир этилади. Аниқроғи, хонадон соҳибаси аллакимлар томонидан ўлдириб кетилади.***

Ўша пайтда воқеа жойига етиб келган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари “Бу мудҳиш жиноятга ким қўл урган? Кимнинг марҳумада қасди бўлиши мумкин? Қотил эркак кишими ёки аёл?” — деган бир-биридан жумбоқли саволларга жавоб изларди. Бинобарин, ўша пайтда ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, профилактика инспектори, жиноят қидирув бўлими тезкор ходимлари ва терговчидан иборат гуруҳ иш бошлайди.

Аммо изқуварлар қанчалик тезкор ва синчковлик билан суриштирув ишларини олиб боришига қарамай бу мудҳиш жиноятни содир этган кимсанинг топишга муваффақ бўлишолмайди.

Маълум бўлишича, Л.Рибкина Учтепа тумани давлат солиқ инспекцияси биносининг ўнг томонида жойлашган тиббиёт бирлашмасига қарашли тез ёрдам шохобчасида ҳамшира бўлиб ишлаган. Шу боис ҳудуд аҳолиси қатори туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳам соғлиғида муаммо пайдо бўлса, дарҳол ушбу шохобчага мурожаат қилишган.

(Давоми 4-бетда) ▶

*Тарих тилсимлари*



# АБУСАИД МИРЗОНИНГ СЎНГГИ МАНЗИЛИ

## ёхуд кибр-ҳаво балоси

(Бошланиши 1-бетда)

Айрим адабиётшунос ва тарихчилар Абусаид Мирзо қаттиққўл ҳукмдор бўлиши билан бирга Мовароуннаҳр ҳамда Хуросонда бунёдкорлик ишларини ҳам амалга оширгани, маданият ривожига катта ҳисса қўшганини таъкидлашади. Аммо у табиатан анчагина кибру ҳавога берилган ҳукмдор бўлган.

Бобур Мирзо "Бобурнома" асарида бобосининг Алишер Навоий билан муносабатлари ҳақида ёзаркан, **"жарима била Султон Абусаид Мирзо (Навоийни) Ҳирийдин ихрож қилди. Самарқандға борди, неча йилким, Самарқандда эди"** деган маълумотларни келтириб ўтади.

Маълумки, Абусаид Мирзо темурийлар тахтини эгаллагач, орадан кўп ўтмай, туркманларнинг Оққўюнли уруғи вакили Узун Ҳасан, Қорақўюнли давлатининг ҳукмдори Жаҳоншоҳни мағлуб этиб, ўз давлатига асос солади. Узун Ҳасан гарчи аввал темурийлар билан яхши муносабатда бўлса-да, давлат тепасига Абусаид Мирзо келиши билан бу муносабатларга путур етади. Чунки Абусаид Мирзо бир пайтлар темурийларга тобе бўлган оққўюнлилар давлати ҳудудига кўз тика бошлаган эди.

1468 йил қишнинг ўрталарида Абусаид Мирзо оққўюнлилар давлатига қўшин тортади. Миёна деган жойга етгач, у оққўюнлилар султони Узун Ҳасанга эски ўзбек тилида, уйғур алифбосида мактуб ёзиб юборади. Ушбу мактуб кейинчалик Узун Ҳасан Султон Меҳмет Фотиҳдан енгилганидан сўнг Истанбулга олиб келинади ва айни пайтгача Туркиядаги Тўпқопи саройи музейида сақланмоқда. Мактубда Абусаид Мирзо ўз куч-қудратига ортиқча бино қўйиб, рақибига беписанд муносабатда бўлгани акс этган.

Кибрга берилган Абусаид Мирзо мактуб орқали Узун Ҳасанни ўзига бўйсуниши, унинг оталари худди Амир Темурга хизмат қилгандек хизмат қилишини исташини таъкидлайди.

Мирхонднинг "Равзатус-сафо" асарида ёзилишича, ушбу хатни олганидан сўнг Узун Ҳасан Абусаид Мирзога укаси Юсуфбекни элчи қилиб юбориб, сулҳ тузишни таклиф қилади. У ўз мактубида Абусаид Мирзодан узр сўраб, юз йилдан буён ота-боболари Амир Темур ва унинг авлодларига дўстона муносабатда бўлиб келаётгани, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолишини, фақат Озарбойжондан чиқиб кетиш учун баҳоргача рухсат беришни сўрайди. Аммо Абусаид Мирзо Узун Ҳасаннинг бу узрхоҳлигидан янада ҳаволаниб, илгарилашда давом этади.

Аслида бу Узун Ҳасаннинг ҳийласи эди. Шу тариқа у Абусаид Мирзони қопқонга туширмоқчи эди ва бунга муваффақ ҳам бўлади. Сулҳ таклифига қулоқ солмаган Абусаид Мирзо юришда давом этаверади. Аммо ҳаддан ташқари совуқ ва озиқ-овқат танқислиги темурий султоннинг 50 минг нафарлик қўшинини ҳолдан тойдиради. Аҳвол шу даражага бориб етадики, охир-оқибат амирлар ва беклар Абусаид Мирзодан юз ўгириб, ярим йўлда ташлаб кетади. Энди Абусаид Мирзонинг ўзи Узун Ҳасан билан сулҳ тузишни таклиф этиб, ҳатто унинг ҳузурига онасини йўллайди. Узун Ҳасан худди шу фурсатни кутиб турган эди. У Абусаид Мирзонинг оз сонли қўшинини осонлик билан мағлуб этиб, унинг ўзини асир олади.

Тарихчи Абубакр Теҳронийнинг ёзишича, асир олинган темурийзодани чодирга олиб киришганда. Узун Ҳасан унга пойгакдан жой кўрсатади. Шундай пайтда ҳам иззатталабликни унутмаган Абусаид Мирзо рақибига "Сен менга муносиб эҳтиром кўрсатишинг, менга остонадан эмас, тўрдан жой беришинг шарт" дейди. Узун Ҳасан унга жавобан "агар сен ўз ихтиёринг билан ҳузуримга меҳмон сифатида келганингда, уйимнинг тўри сеники бўларди, ҳозир сен урушда асир олинган душмансан" деб жавоб қайтаради. Шундан сўнг Абусаид Мирзо бир поғона пастроқ тушиб, "оққўюнлилар ҳамиша темурийлар билан иттифоқ бўлган, темурийларга дўст эканингни мактубингда ҳам битгансан" дея унинг марҳаматидан умидвор бўлади. Узун Ҳасан "ҳа, биз Шоҳрух Мирзодан туғилган темурийлар билан дўстмиз, аммо Мироншоҳ авлодларига эмас" деб жавоб қайтаради. Умидлари чилпарчин бўлган Абусаид Мирзо сўнгги саволни беради: "Темурийзоданинг қонини тўкишга қандай журъатинг етади?" Узун Ҳасан бу саволга ҳам аллақачон жавоб топиб қўйганди. Ўша пайтда Абусаид Мирзонинг ашаддий рақибларидан бири – Шоҳруҳ Мирзонинг чевараси Ёдгор Муҳаммад Мирзо Узун Ҳасаннинг саройида эди. У Абусаид Мирзонинг тақдирини ҳал этишни Ёдгор Мирзога топширади. Ёдгор Мирзо орадан бир неча кун ўтиб, 1469 йил 8 февраль куни бувиси Гавҳаршодбегимнинг хуни эвазига собиқ ҳукмдорни қатл этади.

Шундан сўнг Абусаид Мирзонинг онаси Узун Ҳасаннинг ҳузурига йиғлаб келиб, ўғлининг жасадини юртига олиб кетиш учун изн сўрайди. Узун Ҳасан онанинг илтимосини бажаради ва кичик бир карвон билан рақибининг жасадини Мовароуннаҳрга юборади. Аммо манбаларга кўра, карвон йўлда қароқчилар ҳужумига учраб, талон тарож қилинади, кўпчилик қиличдан ўтказилади, тирик қолганлар ҳар томонга қочиб кетади. Шу сабабли Абусаид Мирзонинг қабрга қўйилган-қўйилмагани номаълум бўлиб қолади. Кибр ҳавога берилган ҳукмдорнинг тақдири шу тариқа якун топади.

**Рустам ЖАББОРОВ,**
*филология фанлари бўйича фалсафа доктори*

---

*Қизиқарли фактлар*

***Инсоният азал-азалдан барҳаётлик сирини кашф этишга интилиб келган. Бу борада кўплаб изланишларни амалга оширган. Александр Горбовский ва Юлиан Семёнов қаламига мансуб "Мангулик қопқасин қоқиб кўрганлар" номли асарда ана шу ҳақидаги ғаройиб маълумотлар жамланган.***

***Қуйида ушбу китобдан олинган баъзи қизиқарли воқеаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.***



# МАНГУЛИК СИРИ

## ёхуд абадий яшаш мумкинми?

*(Бошланиши ўтган сонда)*

Айтиш керакки, танасининг 70 фоизи сувдан иборат бўлгани учун инсон саломатлиги ва узоқ умр кўришида унинг қандай сувни истеъмол қилаётгани муҳим аҳамиятга эга. Кейинги йилларда амалга оширилган илмий тадқиқотлардан маълум бўлдики, сувлар кимёвий аралашмаси билангина эмас, балки изотоп таркиби ва бошқа хусусиятлари билан ҳам фарқланар экан. Агар сув оҳанрабо (магнит) қутблари орасидан ўтказилса, унинг хусусиятлари ўзгаради. Биологик нуқтаи назардан сув фаоллашиши қариш жараёнида яққол кўринади. Аммо барибир сувнинг хусусиятлари ҳалигача тўлиқ кашф этилгани йўқ. Шу боис ер юзининг турли ҳудудлари суви инсон умри ва саломатлигига қандай таъсир кўрсатиши ҳақида кўплаб ривоят ва афсоналар яратилган.

Масалан, Кариб ҳавзасидаги айрим ороллар, жумладан, Гваделупа ороли аҳолиси оврупалик тенгдошларига нисбатан анча ёш кўринади. Улар бунинг сирини оролдаги булоқ суви билан изоҳлашади. Цейлон (Шри Ланка) аҳолиси ҳам саломатлик борасидаги ижобий натижаларни иқлим ва оролдаги булоқ сувига боғлиқ деб билади.

Қадимий ривоят ва афсоналарда мангу яшаш манбалари турлича номланган бўлса-да, уни умумий тарзда "оби ҳаёт" деб аташ мумкин. Қадимги юнонлар "амброзия", эронликлар "хаом" деган сувни ичиб, абадий ҳаётга дохил бўлгани ҳақида ривоятлар бор. Лекин "абадийлик суви"нинг таркиби қандай бўлгани ҳақида ҳеч қандай аниқ маълумот йўқ.

Тарихий манбалардан бирида ўн бешинчи асрда яшаган бир француз олимининг "оби ҳаёт" тайёрлаш учун икки минг дона тухумни пишириб, оқсил қисмини сариғидан ажратиб олиб, сув билан аралаштиргани ва сўнгра уни қайта-қайта буғлатиш орқали мангу яшаш сирини топишга урингани ҳақида ёзилган.

Умрбоқийлик борасидаги тажрибаларни бошқа соҳалардагидан ажратиб турадиган ҳолат — бу натижаларнинг мутлақо махфий сақланишидир. Яъни кимдир бу бўйича муваффақият қозониб, умрини бироз бўлса-да, узайтиришга эришган бўлса, у ўз муолажасининг бутунлай сирли қолишига интилган. Агар тайёрлаган дориси ўзининг ҳаётдан эрта кўз юмишига сабаб бўлган бўлса ҳам сирларини ҳеч кимга айта олмаган. Тахминан шундай қисмат хитой императори Сюанцзун (713-756) бошига тушган. У сарой табиби тайёрлаб берган "оби ҳаёт"ни истеъмол қилгандан сўнг дунёдан кўз юмган.

Ривоят қилишларича, Хитойда "дао" фалсафасига асос солган тарихий шахс Чжан Даолин (34-156) ҳам ўз умрини узайтиришга муваффақ бўлган экан. Узоқ йиллар мобайнида қатъият билан ўтказган тажрибалари самарасида у "оби ҳаёт"га ўхшаш афсонавий хапдори тайёрлаган. Йилномаларда ёзилишича, 60 ёшида у ёшлигига қайтган ва 122 йил умр кўрган.

1690 йилда туғилган хитойлик Ли Цанюннинг 246 йил умр кўргани ҳақидаги маълумот ҳам ана шундай ғаройиб хабарлар сирасига киради. Бироқ энг ғайриоддий ва афсонавий маълумот 186 йил умр (1770-1956) кўрган Топасвижи исмли ҳинд билан боғлиқдир. Патиала рожаси бўлган бу одам 50 ёшида ташвишлардан холи бўлиш учун Ҳимолайга йўл олади. Кўп йиллик тажрибалар, машқлар натижасида "самадхи" ҳолатига туша оладиган бўлади. Бу ҳолатда ҳаёт танани тарк этгандай бўлиб, узоқ муддат ейиш-ичишга эҳтиёж қолмайди. Мана шу ҳолатда улар бир-икки кун эмас, ҳафталаб, ҳатто ойлаб қолишган. Кейинчалик уларни иссиқ сув ёрдамида ҳаётга қайтаришган.

Аслида Тапасвижининг умри жуда ҳам ҳайрон қоларли эмас. Зотан, бу дунёда 140-148 йил яшаган кишилар сони талайгина. Чунки парҳез ва шунга ўхшаш воситалар билан умрни ўн, ҳатто бир неча ўн йилга чўзиш мумкин бўлган ҳодиса. Аммо Топасвижи гувоҳ бўлган бошқа бир воқеа чиндан ҳам, ҳайратланарли.

Гап шундаки,Тапасвижи Ҳимолай тоғи тармоқларининг бирида бир дарвешни учратган. У фақат мевалар ва сут билан овқатланган. Қизиғи шундаки, дарвеш ҳозирги ҳинд тилларининг биронтасини билмас экан. У фақат санскрит тили — қадимги Ҳиндистонда тарқалган адабий тилни билган. Бундан унинг бу ерга келганига беш минг йил бўлганини англаш мумкин! Дарвеш бу қадар узун умр кўришининг сири фақат ўзи биладиган дорини ичиши билан боғлиқ эканини таъкидлаган.

Аммо тарихий йилномалар, ривоят ва афсоналарда ҳам ҳеч ким ҳали беш минг йил яшагани қайд этилмаган.Бироқ бу қанчалик афсонавий бўлмасин, эллик аср қанча катта муддат бўлмасин, барибир, бу абадийлик эмас, балки мангулик томон бир қадамдир, холос. Шунинг учун ҳам одамлар "оби ҳаёт" — мангу ҳаёт сувини излаган. Аммо минг афсуски, бунга ҳали ҳеч ким эришолгани йўқ. Гарчи изланишлар ҳозирда ҳам давом этаётган бўлса-да, одамзот тақдирнинг ҳукмига кўнишга мажбур бўлмоқда. Эҳтимол, бу дунёнинг бор сирлари шунда жамлангандир?!

**Бобомурод Райимов тайёрлади.**

---

*Жиноятга жазо муқаррар*



# Сирли бармоқ излари

## ёхуд 18 йилдан сўнг фош бўлган қотиллик

(Бошланиши 3-бетда)

Буни қарангки, бир куни кутилмаганда солиқ инспектори Элбек Ғуломовнинг тоби қочиб қолади. Уни текшириб кўрган врач тегишли дори-дармонларни ёзиб беради. Аммо Э.Ғуломов хизмат вазифасини давом эттирган ҳолда муолажаларни олади. Шу боис у эртаси куни тушликдан олдин муолажа олиш мақсадида тиббий шохобчага киради. Ҳамшира Людмила Рибкина уни очиқ чеҳра билан қарши олади.

— Иш ҳеч қачон қочиб кетмайди. Биринчи галда инсон ўз соғлиғини ўйлаши керак, — дейди Л.Рибкина осма уколни улаб қўйгач.

Шундан сўнг аёл бемор билан суҳбатлашиб, уйда муолажани давом эттириш учун бир қатор тавсиялар беради.

— Сизга катта раҳмат! Албатта, айтганларингизга амал қиламан, — дея Э.Ғуломов миннатдорчилик билдиради.

Қисқаси, улар шу тариқа танишиб қолишади. Вақт ўтиши билан эса, ўрталаридаги муносабат янада қалин тус олади.

Ажабланарли томони шундаки, одатдаги суҳбатларнинг бирида Людмила Рибкина Элбекка ғалати таклифни айтади.

— Мабодо ёқтирган аёлинг бўлса, бемалол меникига меҳмонга таклиф қилишинг мумкин. Бирга ўтирамиз, — дейди у кулиб.

Рости гап, бу "таклиф" Элбекка ҳам ёқиб тушади. Бинобарин, аввалига у ҳар ўн беш кун-бир ойда Л.Рибкинанинг уйида кўнгилхушлик қилиб юради. Энг ачинарлиси, аста-секин ҳамшира аёлнинг уйи Э.Ғуломовнинг ишратхонасига айланиб қолади. Бундай пайтда Л.Рибкина "меҳмон"лар билан бирга ўтириб спиртли ичимлик ичар, сўнг уларни ҳоли қолдириб, уйдан чиқиб кетарди... Ўз навбатида, ҳар гал Элбек унга мўмайгина хизмат ҳақи берарди.

Ўша мудҳиш воқеа рўй берган 2003 йил 9 январь куни ҳам айнан шундай бўлди. Тушлик маҳали "Ватан" кинотеатри яқинидаги қаҳвахонада ўтирган Э.Ғуломовнинг ёнига тахминан 25 ёшлар атрофидаги Вера исмли қиз келиб, сигарет сўрайди. Аслида бу қизнинг йигит билан танишиш учун бир баҳонаси эди. Буни сезган Элбек уни тушликка таклиф қилади. Тушлик асносида эса, улар ўзаро "тил топишиб" қолишади. Бинобарин, кечки соат 18:00лар атрофида Элбек Верани эски манзилга бошлаб боради. Албатта, қуруқ қўл билан эмас, аниқроғи, у икки шиша арoқ ва турли хил егуликлар олиб боради. Хонадон соҳибаси эса, "меҳмон"ларни кутиб олгач, овқат тайёрлашга киришади. То овқат тайёр бўлгунча уччаласи бир шиша спиртли ичимликни ичишади. Кейин эса, иккинчи шишани ҳам бўшатишади. Шундан сўнг мезбон Элбекнинг ишорасига биноан ўрнидан қўзғалади.

— Сизлар ўтириб туринглар, мен ҳозир келаман, — дейди у уйидан чиқаётиб.

Орадан бир соатча ўтгач, Л.Рибкина қайтиб келади.

— Элбек, сен шоколад олиб келгин, зиёфатни яна давом эттирамиз, — дейди хонадон соҳибаси.

Шундан сўнг Э.Ғуломов кўчага чиқиб, дўкондан турли ширинлик ва яна бир шиша ичимлик олиб келади. Аммо у қайтиб келгунча Вера кетиб қолади. Шу боис у ичимликни Л.Рибкина билан бирга ичади.

Қисқаси, ўзаро суҳбат асносида Л.Рибкина Элбекдан 300 АҚШ доллари миқдорида қарз сўрайди.

— Ҳозир бунча пулим йўқ. Лекин эртага юз доллар беришим мумкин, — дейди Э.Ғуломов.

Аммо унинг гапига Л.Рибкина ишонмайди, аксинча, кутилмаганда, унинг жаҳли чиқиб кетади.

— Баҳона қилма, сенда ҳар доим пул бўлади. Агар уч юз доллар бермасанг, хотинингга ҳаммасини айтиб бераман. Қаерда яшашингни биламан, — деб у очиқдан-очиқ товламачиликка ўтади.

Қисқаси, бир зумда иккаласи жанжаллашиб қолишади. Яъни аёл Э.Ғуломовни кўчада турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилгани етмагандек, унинг юз-қўлларини юмдалаб ташлайди. Ичкилик таъсирида ҳеч нарсани англамай қўйган Э.Ғуломов унинг ҳақоратларига чидаб туролмайди, у стол устида турган бўш арoқ шишасини ғазаб билан қўлига олиб, аёлнинг боши ва юз қисмига аёвсиз ура бошлайди. Бу оғир зарбадан аёл ҳушини йўқотиб, йиқилиб тушади. Ичкилик таъсирида буткул ақл-ҳушини йўқотган Э.Ғуломов ҳам алланималар дея ғўдранганча бир четда ухлаб қолади. Лекин....

Шундан сўнг Л.Рибкина қайта ўзига келмайди. Чунки у оғир зарбалар таъсирида аллақачон жон таслим қилганди.

Албатта, Э.Ғуломов ҳуши бироз ўзига келгач, қандай мудҳиш жиноятга қўл урганини англаб, қаттиқ қўрқувга тушади ва ваҳима билан апил-тапил кийиниб, уйдан чиқиб кетади. Эртаси куни эса, ишга бориб, ҳеч нарса кўрмагандек юраверади. Воқеанинг учинчи куни Л.Рибкинанинг ўлими ҳақидаги совуқ хабар ҳаммаёққа тарқалади. Аммо ўша йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг барча саъй-ҳаракатлари зое кетади – қотил топилмайди.

Шу ўринда бир ҳолатни алоҳида таъкидлаш жоиз. Гап шундаки, юртимизда хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш тизими такомиллаштирилиб, биометрик паспортнинг жорий қилиниши жуда кўп очилмай қолган жиноятларнинг фош этилишига туртки бўлди. Аммо Э.Ғуломов ҳам анойи эмасди, у қилмиши фош бўлиб қолишдан чўчиб, анча вақт мобайнида янги беометрик паспорт олишга ботинолмайди. Бироқ 2021 йилда биометрик паспорт олишга мажбур бўлади. Шундан сўнг калаванинг учи топилади. Аниқроқ айтганда, қотилнинг изига тушган жиноят қидирув бўлими тезкор ходимлари ўша пайтда воқеа жойидаги далилий ашёларни, жумладан, марҳуманинг уйидаги буюмлар ва арoқ шишаларидаги бармоқ изларини, ҳатто сигарет қолдиқларини ҳам сақлаб қўйишганди. Орадан шунча вақт ўтиб, жиноят иши қайтадан ўрганилганда воқеа жойидаги бармоқ излари Ички ишлар вазирлигининг паспорт маълумотлари базасидаги Элбек Ғуломовнинг бармоқ излари билан айнан бир хил экани аниқланади. Бинобарин, 2021 йил 15 ноябрь куни Учтепа тумани ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ходимлари уни гумонланувчи тариқасида чақиришади.

Буни қарангки, аввалига Э.Ғуломов айбига мутлақо иқрор бўлмайди, бу қилмишга қўл урганим йўқ, дея оёқ тираб туради. Шу боис ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора томонидан воқеа жойидан далилий ашё тариқасида олинган сигарет қолдиғи ва гумонланувчининг оғиз сўлаги ДНК экспертизасидан ўтказилади. Натижада Э.Ғуломовнинг оғиз сўлаги билан сигарет қолдиғига сингиб кетган сўлак айнан битта шахсга тегишли эканлиги аён бўлади. Э.Ғуломов бу далил қаршисида ожиз қолиб, айбини бўйнига олади.

Шундан сўнг ушбу иш жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани судида кўриб чиқилди. Суд Э.Ғуломовни Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "в, д, ж" бандлари билан айбдор деб топиб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига маҳкум этди. Қолаверса, манфаатдор томонларга судланувчи Э.Ғуломовнинг ҳаракатлари оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилди.

"Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади" деган нақл бежизга айтилмаган. Бу ҳаёт ҳақиқати бу гал ҳам ўз исботини топди. Қинғирлик кўчасига кириб, қотилликка қўл урган кимса орадан узоқ вақт ўтишига қарамасдан қилмишига яраша қонуний жазосини олди.

**Ҳамиджон ШАМШИЕВ,**
*Тошкент шаҳар суди судьяси*
**Бобомурод КАРИМОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани суди судьяси*

**Куч — адолатда**

***МУАССИС:***
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

***Бош муҳаррир:***
**Шодиқул ҲАМРОЕВ**

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

***ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:***
Бахтиёр ИСЛАМОВ
Робахон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икром МУСЛИМОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Манзилимиз: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru**
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-515 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 6940
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21.00. Топширилди: 00.30.